

# ISHONCH

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох қилиш жарафининг изчил амалга оширилишида матбуотнинг ўрни бекиёс. «Ишонч наф келтириш — олий бахт» шiori остида чоп этилаётган «Ishonch», «Ишонч — Доверие» рўномалари ҳаётнинг барча соҳаларида рўй бераётган демократик ўзгаришлар, жадал давом этаётган ислохотларни оммага етказишга муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

Касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича саяё-ҳаракатлари, иш бевуқлар билан ижтимоий шерикчилик самаралари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Курултойи қарорлари ва фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат Дастури ижроси, жойларда амалга оширилаётган ташилотчилик ишлари қандай ёритилаёпти?

Газета ижодий ходимлари билан Қашқадарёда бўлиб ўтган учрашуларда матбуот сўзи таъсирчанлигини янада ошириш хусусида фикр юритилди.



800 миллион сўмдан ортиқ хомийлик ёрдами кўрсатилган бўлса, Муборак туманидаги Қарлик, Қорақум, Ҳўжа-муборак, Сарик, Касби туманидаги Катагон ва Оқжангал қишлоқларида табиий газ келтирилди.

«Нуроний» жамғармасига 3 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилганлиги, Китобадаги «Меҳрибонлик»,

2500 дан зиёд ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим меҳнат қилаётган Муборак газни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширилганга 36 йил тўлди. Мамлакатимиз нефт-газ гигантида амалга оширилган чуқур ислохотлар туялиги йилига 29 миллиард кубометр «зангори олов» ишлаб чиқарилаёпти.


Корхонада модернизациялаш ишлари давом этмоқда. Бундан икки йил муқаддам 13,6 миллиард кубометр газни тозалашга мўлжалланган пропанли совутиш мажмуаси ишга туширилди. Эндиликда Россиянинг «Стройтрансгаз» очик акциядорлик жамияти билан инвестиция лойиҳаси доирасида пропан-бутан аралашмаси олувчи қурилмани

фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Унинг йиллик қуввати 300 минг тонна су-юлтирилган газ ва 150 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқаришга етади.

Корхона маҳсулотлари мамлакатимиздан ташқари Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларига экспорт қилинаёпти.

Маҳмулда ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга аҳоли турмуш тарзини яхшилашга алоҳида эътибор берилаяпти. Йил давомида

## ҚАШҚАДАРЁДА «ISHONCH» ГАЗЕТАСИ КУНЛАРИ



зиятида ўтди. Шимолий Ўртабук, Умид, Крук, Қўқдумалоқ конлари цех касаба уюшма ташкилотлари раислари Нўмон Хусенов, Исомидин Раҳмонов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбари Нурмат Бозоров, қорхона ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт бўлими бошлиғи Тоштурди Мирзаевлар газета таҳририятининг касаба уюшма аъзолари меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги хизматларини таъкид-

лаш билан бирга, меҳнат ва техника хавфсизлиги, нефт ва газчилар ҳаёти, ичимлик суви ва электр энергияси таъминоти, коммунал хизмат кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш масалаларини ёритишга янада жиддий эътибор бериш лозимлигига тўхтадилар.

— Газетанинг ҳар бир сонини орякиб кўтаимиз, — дейди «Шўртангаз» кимё мажмуасида бўлиб ўтган мулоқотда касаба уюшма кўмитаси раиси Шухрат Курбанов. — Рўномада ҳуқуқий масалалар мунтазам бериб боришса, ишимизга фойдаси кўпроқ тегад эди.

Журналистлар ишчилар шаҳарчаси ва қорхона тарихи музейи билан танишдилар. Шаҳрисабзнинг баҳаво

## Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссияси фаолиятидан ОРОМГОҲЛАР ҚАНДАЙ ИШЛАМОҚДА?

Касаба уюшмалари ҳаётида муҳим давр — ўқувчиларни ёзги соғломлаштириш мавсуми давом этмоқда. НАМАНҒАН вилоятида ҳам бу борада зарур тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши вилоят ҳокимлиги билан мавсумни юксак даражада ўтказишга катта аҳамият қаратмоқда. Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу масалага қаратилди. Унга болаларни ёзги соғломлаштириш билан боғлиқ вилоят, туман ва шаҳар ташкилотларининг раҳбарлари тақлиф этилди. Болалар оромгоҳларини мавсумга ҳозирлаш, бу борада қилинган ишлар, бугунги кундаги аҳвол, олинган турган вазифалар атрофида таҳлил этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Хайрулло Бозоров очди. Тадбир давомида тегишли ташкилот раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Дастлаб болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссияси ишчи гуруҳи номидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси назорат-тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари Фахриддин Аҳмедовнинг ахбороти эшитилди. Шундан сўнг ўқувчиларни ёзги соғломлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Раҳмонли Абдуллаев, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдумалик Раҳмонов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари Соҳибхон Ҳамроқулвалар ҳисоб бердилар.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Дилбар Жаҳонгирова иштирок этди ва нутқ сўзлади.

АНДИЖОН вилоятида 2007 йил ёзги мавсумда жами 6335 нафар бола соғломлаштирилмоқда.

Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика ва вилоят доимий комиссияларининг ишчи гуруҳи аъзолари томонидан 2007 йилнинг 12-14 июн кунлари оромгоҳларнинг фаолияти ўрганиб чиқилди.

Бир қатор оромгоҳларда амалдаги Низомга мувофиқ муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, улар педагогик, тиббиёт ва техник кадрлар, алоқа ва техник воситалар билан таъминланган.

Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика ҳамда Андижон вилояти доимий комиссияларининг кенгайтирилган мажлисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг раиси, Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг раиси Д.Жаҳонгирова иштирок этди.

Фарзандларимизни ёз мавсумида мазмунли дам олдириш борасида Андижон вилоятида амалга оширилаётган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар атрофида муҳокама қилинди. Мутасадди идоралар олдида аниқ вазифалар қўйилди.

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг баҳаво гўшаларидаги 20 та оромгоҳда 21 мингдан зиёд ўғил-қиз ёз мавсумини кўнглили ўтказишди. Дам олиш масканларидан Туркиядан, қўшни МДХ мамлакатларидан ҳам бир неча юзлаб болалар келиши кутуляпти.

Биринчи мавсумда 1400 ўғил-қизни дам олдиришга мўлжалланган «Ўзбурғунфетгаз»га қарашли Беруний номи болалар ёзги оромгоҳини таъмирлаш ва обodonлаштиришга 700 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу ерда воҳода яшаётган болалар билан бир қаторда Бухоридан 225, Қорақалпоғистон Республикасидан 150, Хоразмдан 100 нафар болалар дам олдирилади.

Шўртан газ-кимё мажмуасига қарашли «Лочин», «Муборакнефетгаз» унитар қорхонасининг «Ёш алангачи», «Шўртаннефетгаз» тасарруфидида А.Азизқориев номи, «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик компаниясининг И.Охунбобоев номи оромгоҳларида дам олишининг биринчи навбати уюшқоқлик билан бошланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ишчи гуруҳи аъзолари воҳодаги соғломлаштириш масканларида ёзги дам олишининг аҳоли билан танишдилар. Ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилмапти. Айрим оромгоҳларнинг таъминоти ташкилотлардан қарздорлиги тўлиқ бартараф этилмаган. Гўшт ва консерва маҳсулотлари, шакар, усимлик ёғи, сариёғ, хўл мева ва सबзавотлари қиммат нархларда харид қилишга йўл қўйилган.

Болалар оромгоҳларида маънавий-маърифий тадбирларни, бадий ҳаваскорлик, спорт-соғломлаштириш тўғрисидаги ишчи кўчатириш, кутубхоналар фаолиятини яхшилаш, меҳнат ва уруш фахрийлари билан учрашувлар, тарихий жойларга савҳатлар уюштириш, айникса, муҳимдир. Етоқхоналар ва оромгоҳлар ҳудудини озода сақлаш, санитария-гигиена меъёруларга мос бўлишини таъминлаш талаб этилади.

Корхона ва ташкилотлар, касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари ва хомийлар иштирокида Қаршида ўтказилган йиғилишда ёзги соғломлаштиришининг бориши, дам олиш масканларининг ҳозирги аҳоли чуқур таҳлил этилди ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М.Содиқов қатнашди ва нутқ сўзлади.

ХОРАЗМ вилоятидаги 34 оромгоҳда 10200 ўқувчини соғломлаштириш режалаштирилган. Айни пайтда 26 оромгоҳда 2540 нафар бола дам олмақда. Яқин кунларда яна саккиз оромгоҳ иш бошлашди ва биринчи мавсумда 960 нафар ўқувчини ўз бағрига олиши кутулмақда.

Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг Ишчи гуруҳи ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг ёзги мавсумда ўқувчи ёшларни дам олдириш ва соғломлаштиришнинг ташкил этиш ҳамда назорат қилиш комиссиясининг қўшма йиғилишида ана шу саволлар атрофида фикр юритилди.

Кўпчилик оромгоҳларда мавсум муваффақиятли олиб борилмақда. Хусусан, Хонка туманидаги «Ғайрат», Янгигарик туманидаги Ибодулло Ибрагимов номи, Янгибозордаги «Шўқор», «Пахлавон» болалар оромгоҳларида болажонлар мириқиб дам олмақдалар. Тиббиёт хоналари ташкил қилинган. Маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилиб борилмақда.

Бироқ камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Мутасаддиларнинг бепарволиги туялиги баъзи оромгоҳлар ҳали ҳам ишга туширилгани йўқ. Йиғилишда камчиликларни зудлик билан бартараф қилиш чораларини кўриш, фаолиятни янада яхшилаш лозимлиги таъкидланди.

Ўз мухбирларимиз

«Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг йиғилиши Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бўлиб ўтди. Унда ҳам бу ишга мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи тингланб, мавсумни муваффақиятли ўтказиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

### Учрашув чоғида ўқилган шеър ИСТИҚЛОЛИНГ ИҚБОЛ ЭНДИ

Сафар кетган Алпомишинг қайтиб келди,  
Хабар етган Барчинларинг айтиб келди.  
Бойчобуру Фиротларинг елдек елди,  
Давраларга дадил кирган полвон, элим,  
Кувончлари бугун алвон-алвон, элим.

Ниятлар ҳам Эверест янглиг бош эгдилар,  
Ўзбек деса, дунё томи қош эгдилар,  
Тақдир — азал толедан қуёш эгдилар,  
Ўзлигингни ўздек сақлаб узол, элим,  
Истиқлолинг иқбол энди — Иқбол-элим!

Абдулалар Жайхун бўлиб жўшиб тошар,  
Эркинларинг эркига эрк қўшиб тошар,  
Овозаси довол ошар, уммон ошар,  
Темур бобо тузиб кетган Тузук-элим,  
Адолатни куч айлаган буюк элим.


Ал-Фаргоний, Берунийга авлод насиб,  
Улуғбеку Бобурбекка давлат насиб,  
Ўғил-қизинг етишмоқда бир муносиб.  
Кўз тегмасин, кўзумунчоқ ос — сақла, элим!  
Ал-Хоразмий болаларин ёқла, элим!

Туркистонда ой ўйнайди, юлдуз қувар,  
Кўк осмонда қуёш ёниб, кундуз қувар,  
Кетган кун ҳам, етган кун ҳам бизнинг кунлар,  
Тонг етди, ҳой! Эрк етди, ҳой! Уйғон элим!  
Бахт қуши бу — қувон элим, Турон элим!

АБДУХОЛИК

### Муборак газни қайта ишлаш заводининг Ижтимоий ҳимоя йилидаги ҳомийлик ёрдами

- Вилоят кўзи оқизлар мактаб-интернатида маҳсул ўқув қуроллари ҳамда «Дамас» автомашинаси совға қилинди.
- Республика тиббиёт коллежига 2 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди.
- Миллий кураш федерациясига 20 миллион сўм ўтказилди.
- Яккабоғ туманининг тоғли ҳудудларида яшовчи аҳолининг иқтисодий аҳолини яхшилаш мақсадида қорхона ҳисобидан 50 тонна ун маҳсулоти ажратилди, 20 дона тикув машинаси олиб берилди.
- Муборак туман «Дўстлик» маҳалласида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларнинг коммунал тўловлари учун завод 1 миллион 255 минг сўм маблағ ажратди. Туман ижтимоий таъминот бўлимига 10 дона ногиронлар аравачаси сотиб олиш учун 3,5 миллион сўм ёрдам кўрсатилди...



Яккабоғдаги «Саховат» уйлари, Қаршидаги кўзи оқиз ва кар-соқов болалар мактаб-интернатлари таъмирланиб, жиҳозлар билан таъминланганлиги, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари доимо қўллаб-қувватлаб келинаётганлиги ҳақиқий саховатпешалик намунасидир.

Касаба уюшма фаоллари ва газетхонлар билан қорхона



нада ўтказилган мулоқотни Ўзбекистон ёқлиги-энергетика комплекси, кимё санаети ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакили Ж. Курбанов олиб борди.

Газета бош муҳаррири А. Абдураззоқов «Ishonch», «Ишонч — Доверие» рўномаларининг касаба уюшма ташкилотларининг ижтимоий-иқтисодий фаолиятини кенг ёритиш соҳасидаги ишлари ҳақида тўхталиб, таҳририятнинг ижодий режалари хусусида сўзлаб берди. Корхона ходимлари газетани шаклан ва мазмунан бойиб бораёт-

лари бўйича директор ёрдамчиси Юсуф Сиддиков, касаба уюшма ходими Зоя Трафимова, завод директорининг ўринбосари Меҳмонкул Нурмуродов рўномалар мазмун доирасини янада кенгайтиришга қаратилган фикр ва мулоҳазалар билдирдилар.

Корхонада газетанинг жамоати муҳбирлар гуруҳи тузилди.

Мамлакатимиз табиий бойликлари Ватан ва халқ манфаати, Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилдираётган «Муборакнефетгаз» унитар шўба қорхонаси меҳнат жамоаси билан учрашув ҳам қизгин фикр алмашув ва-

жойидан ўрин олган, халқаро талабларга тўла жавоб бера оладиган Беруний номи оромгоҳда вилоятнинг касаба уюшма ташкилотлари фаоллари, тарбиячилар, қўшни вилоятлардан келиб, хордик чиқараётган ёшлар тўпланишди. Оромгоҳ бошлиғи Лутфулло Каримов, Ҳисоролди нефт-газ қидирув экспедицияси бошлигининг ўринбосари Иброҳим Шеров, касаба-қўқум раиси Суннат Бўриев ва бошқалар матбуотда меҳнаткашлар ҳаётини чуқур ва кенг акс эттириш, газетада ёшлар, хотин-қизлар, келажакимиз ворислари — болалар спортига оид материалларни ёритиш хусусида фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар.

Мулоқотда газета бош муҳаррири ўринбосари Зайниддин Рихсиев, ҳуқуқ ва халқро ҳаёт бўлими мудир Доуд Мадиёвлар рўноманинг қизқаркли ва таъсирчанлигини таъминлаш соҳасида олиб борилаётган режалар ҳақида гапириб, ўзларининг янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Қашқа воҳасидаги рўнома кунлари газетхонлар билан очик мулоқот самимий ва ўзаро хайрихоҳлик муҳитида ўтди, унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Изаат ХИҚМАТОВ  
«Ishonch» мухбири  
Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар

### Уюшма ҳаёти

Халқимизга аздалан меҳроқиблати деб тавсиф бериб келинади. Зеро, у инсоннинг энг гўзал фазилатларидан бири. «Таниш-билишга, қўни-қўшига яхшилик қилинг, тинч бўласиз. Узингизга раво кўрган нарсаларни бошқаларга ҳам раво кўринг, саломат бўласиз», деган ҳадислар инсонларни гўзалликка, эзгуликка даъват этади. Шу боис ҳам жамоамиз доим ҳамкорликда, ҳамжихатликда иш олиб бормоқда.

## ҲАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги халқ таълими бўлимига қарашли 6-умумий ўрта таълим мактаби 1934 йилда қурилган бўлиб, 600 ўқувчига мўлжалланган. Бу даргоҳда 37 нафар педагог ва 13 нафар ишчи-ходим фаолият кўрсатиб келмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида педагог ходимларни ижтимоий ғимоялаш, соғломлаштириш меҳнат муҳофазаси бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мактаб маъмурияти ва касба уюшма ташкилоти ўртасида йил бошидан 3 йиллик жамоа шартномаси тузилган. Мактабда режа асосида кўплаб тадбирлар ўтказиб турилади. Маъмурият ва касба уюшмаси ўқитувчиларни хар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда фаоллик кўрсатишмоқда. Жамоанинг яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам касба уюшмаси доим ғамхўр ва елкадош. Бундан ташқари, хар йили ўқитувчиларнинг дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришлари ва малака ошириш курсларида ўқишлари учун касба уюшмаси ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Айни пайтда кексалик гаштини сураётган 25 нафардан зиёд нафақага чиққан ўқитувчи ва ишчи-хизматчиларнинг хар бирига масъул ўқувчилар бириктирилиб, байрамлар арафасида уларнинг аҳолидан, яшаш шароитидан хабар олиниб турилади. Кераки вақтда моддий ва маънавий ёрдам берилади. Бунда шаҳар Таълим ва фан ходимлари касба уюшма вакилиги раҳбари Исмаил Умаровнинг хизмати бекибидир.

— Хали қилинадиган ишлар жуда кўп, — дейди мактаб раҳбари Ф.Раҳимов. — Ижтимоий ғимоя йилда касба уюшмаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган дастур асосида савобли ишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

**З. СУЛАЙМОНОВА,**  
Олий тоифали ўқитувчи

Қишлоқ ҳўжалигида қилинган меҳнат бир мавсумдаёқ самара беради. Аммо муаллимлик соҳасидаги жараён анчайин бошқача. 18, ҳатто 25 йилсиз у эккан дарахт мевасига тегиб бўлмайд.


Жиззах шаҳридаги С.Санақулов номи мактаб муаллими Насиба Шомансурова ҳам келажак пойдеворини мустаҳкамлашга бел боғлаганлардан. Шогирдлари — жону дили. Улар билан ҳамша фахрланган.

Бирок вақт ўз кучини кўрсатаркан. Нима бўлди-ю, касб касаллигига йўлиқиб қолган, шифокорлар тавсиясига кўра анча вақт шифоҳонада даволанди. Саломатлиги тиклангандан сўнг кадрдон мактабига қайтиб, ҳужжатларини раҳбариятга топширди. Аммо тажрибали муаллимнинг аҳолини негизли маъмуриятдагилар тушунишни ис-

## ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

ташмади ва бир марталик товуни пулини тўлашни асоссиз равишда пайсалга солишди. Касба уюшмасига ёзилган аризаси туфайли англашилмовчилик ва ноҳақликка бар-

## Касаба уюшмасига хат келди



ҳам берилди. Еки вилоят МТПлар бирлашмасига қарашли автокорхона ишчиси Мавлон Шарипов, «Жиззахпахтасаноат»

(марҳум) ишчиси Бойтемир Усмонов, ўсимликларни химоя қилиш ва агрокеми маркази (марҳум) хайдовчиси Маъмуржон Тўймуродовлар-

ижросини назоратга олиш ва жамоа шартномалари бажарилишига эътиборни кўчатириш юзасидан Бирлашма кенгашининг истиқболли режалари ишлаб чиқилган. Шу бўйича хар бир ишловчига яшаш ва меҳнат шароити борасида ғамхўрлик қилинмоқда.

**Аъзамжон ИХТИЁРОВ,**  
**Жиззах вилояти**  
**касаба уюшма**  
**ташкilotлари**  
**Бирлашмаси кенгаши**  
**раиси муовини**



## СИФАТЛИ АЛОҚА — ДАВР ТАЛАБИ

«Тошкенттелеком» филиали — Янгийўл телекоммуникациялар боғланмаси жамоаси замон талабидан келиб чиқиб, аҳолига намунали ва сифатли хизмат кўрсатишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Хусусан, телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва тақомиллаштириш дастурига асосан туманинг Халқобод кўрғонда янги рақамли алоқа станцияси ишла тушиш арафасида турибди. Янги рақамли станция 1600 абонентга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда бу ерда эски телефон рақамларини замонавий телефон станциясига алмаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Янги станция иш бошлаши билан мингдан зиёд хонадон ағалари ва ташкилотлар чет эллар билан ҳам тўғридан-тўғри сўзлашиш имконига эга бўладилар.

**Суратларда: электрон алоқа муҳандислари Георгий Вискобов ва Миродил Шарипов; оператор Екатерина Вискобова.**

**А. ХУДОЁРОВ**  
олган суратлар



**Адолат — ҳаёт мезони. Шу боис ҳам унга талпинамиз. Хар биримизнинг қўлгимизда ўзимизча аддолат мезони бор. Унга пўтур етганида дилимиза ўқийди. Ранжиймиз.**

Тахририятимизга хар куни ўнлаб хатлар келадди. Аксарият номларда турмушимиздаги иллатларга қарши исён руҳи ҳукмрон. Инсон ноҳақликка бефарқ қараб туролмайди. Аммо баъзи ҳолларда эҳтирослар шу қадар жўшадики, бир йўла бир неча идораларга бир хилдаги хатлар кетма-кет йўлланаверади. Гўёки бирининг ортидан бири келиб кетса мурод ҳосил бўладигандек...

Мана яна йўлдамиз. Гўёки учиб келаямиз. Ахир ноҳақликдан безган одамлар кўмак сураятти. Айтилган манзилга келган, тарвузимиз қўлтиқдан тушадди. Мутасаддини топиб мудоага ўтамиз. Пойтахтга йўлланган номани қўлга олмасданок мазмунини айтиб беришадди. Валий бўлиб кетганим булар дея хайратдан ёқа ушлаб қоласиз. Хар тугул олис йўлдан қарчаб келганимизни хисобга олиб, маънодор жилмайган бўлади. Шунга ҳам шукур қилиб турганимизда тал эткизиб нақд бир бўча ҳужжатларни олдингизга ташлайди. «Сиздан олдин келган суриштирувчилар маълумотномаларига бир боқинг, яна фикрлашармиз» дейишади. Албатта, интиқ, нажот кутаётганларнинг сиздан олдин ҳам анча нажоткорлар дарду тавишга шерик бўлганига шохид бўласиз.

Кўшработ туман собиқ Фозилжон ўрмон ҳўжалигининг бир гуруҳ ишчи ходимлари шикоят аризаси юзасидан аввал Самарқанд, сўнгра Иштихон сари йўлга тушган. Гапнинг рости бу мавзу шу қадар кўп чайналган эканики, кўпчиликнинг меъдасига аллақанда тегиб улгурди. Биздан илгари Республика иқтисодиёт вазирилиги, ўрмон ҳўжалиги бош бошқармаси вакиллари, Самарқанд вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси, Республика Олий Мажлисининг «Инсон ҳуқуқлари» бўйича комиссияси, Иштихон туман прокуратураси айнан шикоятда келтирилган важлар юзасидан ҳужжатлар тахламини

терақнинг Кориз қишлоғидаги 58-сонли мактаб филиалига ишлатилиши ҳам бўлмаган гап деб турган бир пайтда, мактаб раҳбари А.Усмонов ҳашар йўли билан қурилган мактаб филиалига 96 дон терак болор олганлигини расмий муҳр билан тасдиқлаб турибди.

Шикоят аризада 520 туп терак ноқонуний тарзда қирқиб олинганлиги ариз қилинган. Бу воқеа 2005 йилда рўй берган. Ушбу қонунбузарликка шохид бўлган аризачилар нега ўша фурсат жим туришган экан. Орадан икки йил ўтгач, айбдор ахтарилаётга-

жарилашган. Эндиликда қозилқ навбати бизга... Хўш шикоят аризининг маъно-маъзунини нимадан иборат. Келинг шу ҳақда тўхталайлик. О.Аҳмедов ва бошқалар имзо чеккан шикоят хати тахририятга феврал ойида келиб тушган. Ҳал этиш учун Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазириликка йўлланганди. Биз мазкур вазириликдан жавоб хатини олган, навбатдаги шикоят хатини олдик. Унда Республика ўрмон ҳўжалиги бош бошқармаси раҳбари номидан йўлланган жавоб хати гирт ёлгон, дейилади. Эътирозга ўрин қолдирмаслик ниятда сафарга отлангандик. Юқорида аризани кўрган масъул идоралар ҳулосалари ва бош бошқарма жавоб хатида келтирилган далилларни синчиқлаб солиштирдик. Аризачилар 100 дон

Жомбойлик Фуқаро Ҳошим Бекниёзов шикоят аризаси юзасидан ҳам юқоридоғига ўхшаш ҳолатга дуч келдик. Шикоятчи тумандаги Шайман бозори мутлақо талабга жавоб бермайди дея куйиниб ёзади. Жомбойга боришимиздан икки ҳафта илгари бозор ёпилиши ҳақида эълон берилиб, бозор янги масканга кўчирилиши арафасида экан. Бу ҳақда туман ҳокимининг қарори қабул қилиниб, янги бозор қайта қуриш хисобидан бунёд этилганига гувоҳ бўлдик.

Камчиликни кўра билган зукко муштарийларимизга тасанно. Аммо уни қайси даражада ҳал этишларини ҳам бир мушоҳада қилиб кўришса фойдадан холи бўлмасди. Ахир кўчадаги бир уюм ахлатни ҳам мамлакат миқёсида кўтариб чиқиш шартмикин. Дехлдор идоралар бу масалани жойида ҳал этишга қодирку. «Уйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир» деган мақол бор. Биз хар бир хат ортида муайян фуқаролар борлигини, улар жавоб кутаётганлигини яхши биланамиз. Бефарқ эмасимиз. Аммо қозғ қоралашдан аниқ мақсад бўлиши керак. Бир хил мазмундаги хатни бир неча идораларга йўллаб, ортқич оворалар қилишга йўл қўяётганликларини айрим фуқаролар ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

**Н.ШАМСИЕВ,**  
**«Ishonch» мухбири**

## Хат сафарга чорлади... аммо ОВОРА ҚИЛМАНГ

ни кишини ажаблантирмасдан қолмайди. Ваҳоланки, жиноят юз берган чоғда уни фош этиш хар бир соф виждонли фуқаронинг бурчи эмасми? Ҳеч бўлмаганда кеч бўлса ҳам бу масала кўтарилибди. Хатда баён этилганидек, айбдорлар маълум бўлса, даъвогар ҳам маълум. Шундоқ бўлгач аризачилар нега судга муурожаат қилмаётгани бизни ажаблантиради. Юқорида номлари зикр этилган идоралар ҳам шундан таажубданда. Муқий давлоларнинг барчаси узил-кесил суд томонидан ҳал этилади.

Шикоятчилар аслида Фозилжон ўрмон ҳўжалиги парқанда бўлаётганидан куйинишади. Муаммони фақатгина Самарқанд вилоят ўрмон ҳўжалиги бошқармаси Кўшработ туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳал этиши мумкин.

## Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Президентимизнинг «Микрокредит-банк акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг орадан бир йилдан ошикроқ вақт ўтди.

Шу фурсат ичида банк миқозлари сони 90 мингдан ошиб кетди. Банкнинг жойларда 75 та филиали, 256 мини банк ва агентликлари ишлаб турибди. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини микрокредитлаш ва микролизинг хизматлар кўрсатишга иктирослаштирилган; жойларда кичик сармоа билан иш бошлаган ишбилармонларга ўзига хос кулайлик ва имтиёзлар яратиб берилади.

«Микрокредитбанк»нинг Жалақудуқ тумани Охунбобоев филиали томонидан ҳам миқозларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. 2007 йил 1 апрел ҳолатига 1014 миқозни бирлаштиради. Банк бўлими томонидан фермер ҳўжалиқлари ва миқозларга техника, эҳтиёб қисмлар, нефт маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва чорва хайвонлари сотиб олишга имтиёзли (5 фоизли) кредит ва микрокредитлар берилади. Шундан 2006 йил 7 ойи давомида 220156,0 минг сўм, 2007 йил биринчи чорағида 70200,0 минг

## ИМТИЁЗЛИ МИКРОСАРМОЯЛАР

сўм кредит ажратилди. Туманимиз чегара ҳудудида жойлашганлиги боис чекка қишлоқларда кам таъминланган оилаларга 5 фоизли имтиёзли кредитлар бериляпти, — дейди банк бошқарувчиси Шўҳратбек Худойкулов. — 18 ойга бериладиган маблағ ишининг кўзини билган инсонлар учун катта имкониятдир. Миқозларга кафилилик беришда туман ҳокимлигининг кўмагини алоҳида таъкидлашни истардим.

Республикамиздаги бошқа «Микрокредитбанк»ларда бўлгани сингари бу ерда ҳам янги хизмат тури — банк агентлиги хизмати ташкил этилган. Улар туман қишлоқлари ва маҳаллаларида

қалаштирилган ҳолда, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг 50, 100, 200 баваарига, айланма маблағни тўлдирини учун 500 баваар миқдорига чад сармоа бериш белгиланган. Кредит беришининг энг муҳим шартларидан бири кредит олаётган миқознинг банк томонидан ташкил этилган иккита семинарда қатнашувиридир. Демак, банк миқозга олинган сармоани тўри мақсадларга йўналтиришда кўмак беради. Бу эса «Микоз банк учун» эмас, балки «Банк миқоз учун» деган олтин қониданг яна бир қарра исботидир.

**Абдулхай ЮНУСОВ,**  
**«Ishonch» мухбири**

**Асрор НИЗОМОВ**  
Ўтмишидан ҳикоялар  
**Абдулла**

1 Аллоҳ таоло Холматбойга ботмон-ботмон еру мулк, ўнлаб чорикору етим-есир хизматкор, сурув-сурув қўй-қўзи ато этиб давлатини кўп зибда қилган бўлса, бир томондан сиқиб ҳам қўйганди. Бефарзанд эди фақир. Шу боисдан кўнглининг бир чеккаси хен ёришмас, бу кўнгли қоралиғи ёши ўтган сари тобора қўюқлашиб, бутун кўзини қоплаб олаётгандек бағри эзилса-да, ичидоғи дардини ташқари чиқармасди. Аммо ёлғиз қолган пайларга, «Е Парвардигор, оғзи қийилқ бўлсанг, шалпанг қулоқ бўлсанг биргина фарзанд ато этсанг туганмас давлатинг қамайиб қолармикин», деб илтижо қилгани қилган эди. Худонинг берган кўни беш вақт намозини қанда қилмас, эшонга назр аташдан тортиб, фалончининг етимига манови, фалончининг есирига ма-

2 нови деб топганини югурдақларидан бердириб юборар, гоҳи эринмасдан ўзи элтиб беради. «Э, асло йўқ деманг, — дерди бой баъзан расмият юзасидан қўлини қайтармоқчи бўлганларга, — бизга ҳам сиқинкидек ўйил берсин, қиз берсин, худро йўлида шугнани сизга атадик-да энди, фалончи, бир хавас қилдик-да, ҳўп девеверинг».

3 Аммо йиллар бесамавр ўтар, бойнинг ўзи қирқчилама йилгидан чолга, барваста хотини навиҳол жувондан кампирга айланиб боради. Унинг тўрт ака-укасидан тортиб, хизматкорларига чад қўли бойбува билан оқ кўнгли бойичани иззатини обдон жойига қўйишар, кўнглиларини қабатыриб қўймасликка ҳаракат қилишиб ўзларини ўдан-чўкка уришарди.

4 Холматбой олтимиш учинчи баҳорини нишонлаб, пайғамбар ёшини ўтаганигига ишора элга дастурхон ёзиб, узоқ-қияндан кўнгли етарларини чорлади, қўй устига қўй сўйилди, дошқозонларда палов дамлаттирди. Эҳсон деб бошланган маърақа тўйга айланиб кетди. Бойнинг ҳурмати учун бутун Оқтепа ахли йиғилишиб, элнинг қазо-қазолари бел боғлашиб, ёш-яланг елиб-югурчи хизмат қилишди. Холматбойнинг бобо юрти, Илонлисойдан бир дурқун отликлар келадганини эшитган бойнинг хиймати жўш уриб оғилхонада тирамадан буён кантариб боқилаётган тўрт яшар новосига ишора қилиб юборганди, қишлоқнинг беш-ўнта чапдаст йигити филдек бўлиб кетган хўкизни ҳа ушла, ҳа қўйма қишчи отликларнинг оёғи тағига йиқитишди-да бўзига пичоқ тортиб юбордилар.

5 Зиёфат кеч паллагача қизигандан қизиб меҳмонларнинг кетгани кетиб, қолганлари бир ҳафта этиб гурун қилишди. Тортиқ қилинган сарполарини елкаларига ташлаган меҳмонлар бойни роса алқашиб, унга кўчқордек ўйил тилаб бирин-кетин тарқалишганларига ҳам мана уч-тўрт кун бўлиб қолди. Холматбой ўша хўшвақтлик билан ўтказган маърақасини эслаб савр ёмғири себалаб ўтган ям-яшил қирга кўтарилиб борарди.

6 У тепалик сари ўр-қирда сўяги қотган асил даштлиқлар қаби шошилмасдан одимлар, ўнг оёғини олға ташлаганда бурнидан чўқур нафас олиб, чап оёғини ердан узганда оғзини хийёл очиб ўлкасини бўшатарди. Бир меъдара тақорроқла-наётган бу ҳаракатдан бойнинг олтимиш уч баҳорни кўрган улкан гавдаси заррача толиқмас, тикка кўтарилган тепалик сари кенгача бўлса-да нафас ростламасдан ўрлайвериш чоғи бор эди гўё. Орқача ташлаб олган кўнглининг биллагига бели узур дўппайиб турган тугунча тегиб турар, бундан бой роҳатланар, хар замон бир замонда кўнурни ичгандагидек оёқларига энган бархамликдан завқланарди.

7 Белига тугун боғлаб юриш асли отаси Мулкмонбойдан қолган одат. Мулкмонбой тугунни «Бедана халта» дерди кампирга ҳазиллашди. «Бедана халта» — бу оғзи маҳкам турмақланган гулдор чарм хамён бўлиб, бой уни хар замонда тегиб сандикдан олиб, у қўлидан бо қўлига ташлаб салмоқлаб кўрар, кейин шошилмасдан оғзини очиб кўрпача устига ағдарар, шақирлаб бир-би-

8 рининг устига тўкилаётган сарик, қизил тилло тангаларнинг товланиб яқришани бир зум томоша қилиб турган, қайта-қайта санаб «Бедана халтага қайтариб солиб, ма, қафасга ташла, дерди кампирга ёки яшил бўза белбоғини қатлаб «Бедана халта»ни яқтагининг ичидан белига боғлаб оларди. Шу қўйи тугун кун бўйи бойнинг белидан тушмас, тўйга борса тўйда, далага чиқса далада зилдек тугун Мулкмонбойга ҳамроҳ бўлиб юрарди.

9 Тилло — белининг қувағи, дерди Мулкмонбой ўғли Холматта, кейин ўзи сўйган жумлаларни балким минг биринчи бора қайтаришини яхши кўрарди раҳматлик:

Белинга тилло,

Тилингнир бурро.

Қадаминг тетик,

Емагин этик.

10 «Тилингни бурролиги, қадамнинг тетиклиги тиллодан эканлиги майли, емасанг этик, деганингиз нимаси?» қизиксиниб сўрарди отасидан Холматбой. «Э, болам, ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди, тиллом бор экан деб оёғингни узатиб ёб ётсанг ҳолингга вой, «емасанг этик», деганим меҳнат устига меҳнат қил, ана ўшанда кўрсан ҳузурини деганим, машойиҳларнинг қайси ағли нотўғри эдики, энди буниси номаъқул бўлса», дерди. Шундай одамлар ҳам ўлиб кетди, во дариғ, дея ўйга чўмган қўйи сап-сарик қўзигулларни оралаб бораркан, хар дамда босиб оёқса тилло тусли чекакларни эмас, беҳисоб сочилган олтин тангаларини ҳам ҳиди аниқ турган тупроққа қоритириб қўядигандек қадамни саралаб босарди. Оқтепасойда баҳорнинг кишини энтиқтирувчи латофати қирқилқ устидан баралла кўриниб турган вожага қоққангиде бўлинадди. Холматбой йшил ўтлоқлар оралаб офтобда яттирганга иланг-биланг из солиб оқаётган Оқтепасойни томоша қилиб бироз тик туриб қолди, кейин теваарак-атрофда бош кўтармай ўтлаётган қўй-қўзиларнинг «ба-а-бу-у» си, тўғайларнинг чўлдир-раши, кир бўйлаб эсаётган шамолнинг майин нафасига беътибор бўзга ёнбошларкан хайлини кўзининг зорлиғи маърақаси бозади. Сал нарида оппоқ қўзқоқ мўнчодек қўзларни жодивратиб илган совилқинг бутига бошини тик-қар, туртки ёб нари кетар, яна зорлиғи-зорлиғи маърақиди. Хой, Жомонкул, деб қақриди чўлиғини бой, нима бало бўлди, манови қўзинг мўна қққшай-





Пойтахтимиздаги «Туркостон» саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий телерадиокомпания ҳамда Ўзбекистон Шарқ яққаурашлари ва жанг санъати маркази ташаббуси билан ташкил этилган яққаураши қизлар ўртасида «Машриқзамин маликаси-2007» республика кўриктанлови якунланди.

Суратларда: «Латофатли малика» номинацияси ғолиби, каратэ ва кикбоксинг устаси Нодира Казакова; танлов гран-при соврини сохибаси таэквондо WTF бўйича терма жамоа аъзоси Дилбар Сайдуллаева.

Муҳаммад АМИН (Ўза) олган суратлар.

ХАЛҚ ТЕАТРИ — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Қадимий Самарқанднинг 2750 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқ ва кўғирчоқ театрлари фестивалида Оролбўйи санъаткорлари ҳам фаол қатнашдилар.

Нукус шаҳар маданият ва спорт бўлимига қарашли «Бескальба» халқ театри П.Айтмуратовнинг «Умр ташвишлари» спектаклини намойиш этиб, танловда биринчи ўринни қўлга киритди. Муаллифга энг юқори драматургия асари йўналиши бўйича олий соврин берилди.

Қораўзақ туманининг кўғирчоқ театри жамоаси «Хўйлакор тулки» асарини сахнага олиб чиқиб, фестивалда муваффақият қозонди.

И.ИСОМИДИНОВ



ОИЛАЛАРДА ИШОНЧ ВА ҚАТЪИЯТ

Оила — жамиятнинг кичик бўғини. Барча аъёналар, қадриятлар аввало шу даргоҳда шаклланади. Болаларнинг урф-одатлари, одоб-ахлоқ мезонларини шу масканда ўрганадилар. Шу боис ҳам оила муқаддас саналади. Таъкидлаш жоизки, оилада соғлом турмуш тарзига риоя қилинсагина, унинг аъзолари чинакам бахтли турмуш кечирадилар.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан нафақат соҳа ходимларини, балки уларнинг оила аъзоларини ҳам моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасида қўллаб-таъбирлар амалга оширилмоқда.

Инсон бахтини аввало оиласидан топади, ҳаётда ва жамиятда ўз ўрнини топишида оиладаги муҳитнинг ўрни беқийс, — дейди кенгаш раиси Муяссар Раҳимова.

Кенгаш томонидан «Халқаро оила кун» кенг тантана қилинди. Шу муносабат билан ўтказилган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» вилоят спартакиадаси барча соҳа ходимлари учун чинакам совға бўлди. Спартакиадада 35-50 ёшгача бўлган уюшма аъзолари ўз оилалари билан иштирок этидилар. Биринчи ва иккинчи босқичларда ғолиб

чиққан оилалар Урганчдаги политехника ва тадбиркорлик коллежи спорт макмуасига ўзаро беллашувга йиғилдилар. 14 оила вакиллари эстафета, гимнастика тағбирини тортиш, армрестлинг, узунликка сакраш, футбол тўпини дарвозага киритиш, тўсиқдан сакраб ўтиш бўйича ўзаро беллашдилар.

Мен ушбу спартакиадада иштирок этаётганимдан мамнунман, — дейди Янгиариқ туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси Давронбек Одинаев. Турмуш ўртоғим Назира ҳам муаллима. Спартакиадада қизимиз Лобар ўчалмас иштирок этди. Бу спартакиада бизга янги куч-ғайрат ато қилди.

Гурлан туманидаги 30-мактаб ўқитувчиси Муҳаббат Ражабова ҳам спартакиада таассуротлари бир дунё эканлигини таъкидлайди.

— Олдинлари спорт билан унчалик шугулланмасдим, — дейди у. — Спартакиадага тайёргарлик жараёнида спорт билан шугулланишнинг фойдаси катталлигини ҳис қилдим. Ланжлик, дангасалик бизни бутунлай тарқ этди. Тажрибамиз камлиги туфайли мусобақаларда қўлимиз баланд келмади. Аммо ҳафа эмасмиз. Бизга саломатлигимиз тўғрисида қайғуришни ўргатган бу спартакиада ва унинг ташкилотчиларига катта раҳмат.

Қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг ғолиблик янгиариқлик Давронбек ва Назира Одинаевлар оиласига насиб этди. Иккинчи ўринни эса Хазорасп туманидаги 4-мактаб ўқитувчилари Қудрат Ибодуллоев, Шоира Матниёзова ва қизи Гузал Ибодуллоевадан иборат оилавий жамоа қўлга киритди. Учинчи ўринга Шовот туманидаги 40-мактаб ўқитувчилари Хамиджон ва Палина, қизи Азиза Ваисовлар оиласи сазовор бўлишди. Ғолиблик диплом ва қимматли совғалар билан, барча иштирокчилар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

М.ТЎРАБОВА, «Ishonch» мухбири

Спортимиз юлдузлари

Бундан уч йилча муқаддам вилоятнинг бош каратэчиси (уни Наманганда «каратэчилар отаси» ҳам дейишди) Абдухон Камолов мулоқот чоғида: «Бир қизимиз спортнинг шу тури билан шугулланиптики, қойил қолмасдан илож йўқ. Келажақ порлоқ, келганига эндигина бир йил тўлиб-тўлмади-ю, аммо ҳозирдаёқ номи тилга тушиб улгурди», деганди. Абдухон янглишмаган экан. Дарҳақиқат, яқинда Мадина Тошкент шаҳридаги ЖАР спорт макмуасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, иккинчи бор мамлакат чемпиони деган шарафли унвонни қўлга киритди.

— Спортга, аниқроғи, каратэ дунёсига кириб қолишим кизиқ бўлган, — кулиб эслайди Мадина. — Ушанда олтинчи синфда ўқирдим. Бувимни кўрганам бордим. Қуза ойлари эди. Уйларидан олма фарқ пишган экан. Бувим уйда ҳаммаларингиз ейсизлар, деб халтани тўлдириб солиб берди. Олиб келаятсам, ўзим тенги ва мендан каттароқ икки ўспирин кутилмаганда шартта уни тортиб олиб, ура қочишди. Қўвласам этиб олишим мумкин эди. Лекин барибир, беришмасди-да. Кўзимда ёш билан уйга кириб бордим. Онам сабабини сўрадилар.

— Шунга ҳам кўз ёшим, — дедилар онам гапимни эшитган бошимни силаркан. — Садакун куз ёш. Бозор тўла олма. Дадангга телерадио айтиман. Қайтишларида келтирадилар.

Аслида ўзим ҳам олма учун йилгаганим йўқ, Алам қилган жойи эъронлар олдида ожизлигим учун чидай олмаётганим. Қарангки, ўша кун кечкурун телевизорда қайсидир вилоятда фаолият кўрсатаётган каратэчи қизлар клуби ҳақида кўрсатув бўлди. Эртаси кун мактабда жисмоний тарбия ўқитувчизига шарқона яққаурашнинг каратэ тури спорти

бўйича тўғарак очилса, қатнашимни айтдим.

Ростдан ҳам орадан бир неча кун ўтгач, Наманган шаҳридаги 52-мактабда каратэчилар тўғарига фаолият кўрсатиш бошланди. Тўғаракда йигирма икки ўғил бола ва биригина қиз Мадина бор эди.

— Хар хил гап-сўзларга, ҳатто дугоналаримнинг пинчигларига, айрим озгига кучи етмаган болаларнинг масхарашиларига эътибор бермадим, — давом этди сўхбатдошимиз. — Хар бир машқни, муаллимимиз кўрсатмаларини пухта ўзлаштириш учун ҳаракат қилдим. Уйда ҳам тиним бил-

мадим. Бир сафар машқини кўриб қолган дадам хайрон бўлиб:

— Қизинг нега алламбало ҳаракатлар қиляпти, — деб сўраганлариде наам:

— Мен ҳам тушунмай қолдим. Сўраб кўрсам, энди дўравонлик қилмоқчи бўлган болаларнинг танобини тортиб қўйишни ўрганиман, деб олма билан рўй берган воқеани айтибди. Шунда дадам кулиб, қўл силтаб қўя қолибди.

Шу тариқа Мадина спортнинг каратэ соҳасини қадамба-қадм ўзлаштиришга тушди. Бир неча ой ўтгач, мактаблараро мусоба-

қаларда иштирок эта бошланди. Энди мактабдагилар, каратэни у билан биргаликда ўрганаётган болалар ҳам Мадинадаги ҳаракатни ва натижаларни кўриб, у билан ҳисоблашадиган бўлиб қолди. Ниҳоят, бир йил ўтар-ўтмасдан ўқитувчининг ўзи Мадинани шаҳар каратэ клубига бошлаб берди.

— Мен Мадинага каратэ бўйича билганларимни ўргатиб бўлдим. Энди бу ёғи сизларга қолди, — деди клуб устозларидан бири Жўраҳон Мамажонов қўлга топшираётди. — Қизнинг спорт бўйича келажаги порлоқ эканлигига қафолат бераман.

Устози янглишмаган эди. Қиз каратэ сирларини янада пухтароқ ўзлаштириб борди. Янги устозлар спортнинг бундай мурракаб тури бўйича Мадинага тобора пухта ва чуқурроқ тушунача беришар, машқдан-машққа қизнинг маҳорати ошиб борарди. М.Ақбаровага мураббийлик қилган Жўраҳон Мамажоновнинг таъкидлашича, баъзи ёшлар ниҳоятда иқтидорли бўлиб, кутилганидан аввалроқ юксак чўққиларга кўтариладилар. Мадина ҳам ана шундай иқтидорлилар сирасига қиради. Шунинг учунми, қисқа давр ичида бир неча бор ғолиблик шохуспасининг юқори поғоналарига кўтарилиб улгурди. 2005 йил илк бор мамлакат чемпиони беллашувларида татамига чиқиб, қумуш медал сохибаси бўлган қиз ўша йилнинг ўзидаёқ Фарғона шаҳрида каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаларида фахрли биринчи ўринни эгаллади. Қизнинг зафарли юриши шу билан чекланиб қолмади. 2006 йилда Андижон шаҳрида мамлакат кубоги бахсларида яна олтин медал билан тақдирланди. Бу йилги ютуқ ва иккинчи бор Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритганига қизнинг спорт соҳасида келажаги порлоқ эканлигидан, у келгусида жаҳон миқёсидаги учрашувларда ғалаба қозонишига, мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришига қодирлигидан далолат бермоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» мухбири

ҚИШЛОҚ-ХЎЖАЛИГИ ҚОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР-ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА! «TULPOR» савдо уйи маъсулияти чекланган жамияти. \* Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» автомобилларини нақд ва пул ўтказиш йўли билан, «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга сотишни маълум қилади. \* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади. \* Автомобилларга божхона солиғи тўланган. \* Уларнинг сифати тўла қафолатланган. Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор. Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 276-33-51, 276-77-20. Факс: (8-371) 276-97-40.

Боши 2-3-бетларда. — Қўявер, кампир, ҳозирдан бошлаб ўзимизнинг боламизини кўтариб юрибман, оти Абдулла, муни бир чўмилиртиб қорнини тўйдир, кучубанчадай оқ қўрнанида шеклини, кейин биласан кимнинг боласи эканлигини. — Вой, ўзим айланайин кўзачиғимдан, кокилларинг бунча чиройли бўлмаса, — ҳамон гиргиттон бўларди бойбича болани гоҳ қучоқлаб, гоҳ худонинг ўзи билди, неча вақт суз тегманган юзларидан ўлиб, — қорнинг ҳам очидир. — Хой, муна ялаб-юлкамасанг, қорнинг очидир, деб сўраганинг нимаси, ахир у меҳмондорчиликдан келаятгани йўқ-ку, ўлимни ҳам энка-тинкасини қуритиб юбординг. Аввал мунинг қурсогини яхшилаб тўйдирдинг, — бой бир пақса кўтарилган суланинг раҳига беҳолгина ўтириб-тўриб гудраниб қўйди. — Кейин бафуржа гурунқ қилиш бўлса қўрмас. Бечора кампирим, эсини буткул йўқотиб, тентак-пентак бўлиб қолмасанг гўрга эди. Бунга ҳам тўғри тушушни керакдир, балким. Шу шўринг қўғурғу умид билан мен эр деганига ҳам мана қирқ йил бўлибди. Айтишга осон. Қирқ йил-а, бир йилнинг умри, қирқ йиллик изтироб, қирқ йиллик тоқат, қирқ йил кутуш осонми? Дўст бор, душман бор, қанча баланд-паст гапу сўз дегандек. Ҳаммасига чидайди, биргина оғиз очиб юзига солмади, улуғим йўқ, қизимиз йўқ, демади, шўй демаган ҳам ўзи яхши билди. Эзиллиб турган бағрини яна мижғиллаб не қилман, не бўлса барчаси яраттандан, деб юрганини бой яхши билди. Балким шўнинг учундир кампирига ўзини баттар яқин тутайди, кўнглини қабартайтмайди, аммо дилидаги меҳрини ташқарига чиқармайди ҳам, пинҳон тутайди. Кампир қўғурғу ҳам гўл эмас, ҳаммасига ақил етмайди, бойнинг ҳар бир нигоҳи, ҳар бир ҳаракати шў шарпасини унсиз ўқийди, шеклини...

— Сизни уйлаб қўймоқчиман. Бой бир қўзғолиб олди, кейин деворга суюнди. Алланечук жилмайиб қўлди, бу яхшилик аломати эмас эди. Бойнинг феъли торпан бўлса, шўндай қулғич одати борлигини бойбича яхши билди. Шўнинг учун «захарни захар билан кесмоқчи бўлиб аччиғи чиққандек алоҳида, шўйитиб турайберамизми эса», деди. Бойга бу тахлит тақлифлар кўп бўлган. Ер-дўст, оғайни-қариндош, оқсоқоллардан кўли шўй дегич эди. Аммо бой ўларига бир хил жавоб берар, ҳа ёки йўқ демас, бир гап бўлар, деб қўя қоларди. Аммо сўхбатдош англар эдики, бундай хангома бойга унча ёқмайди. Жуда яқинларига айтар эдики, эй фалончи, қўш хотинлиқинг тоши оғир, сабр қилай-ки, не бўлса барчаси Оллоҳдан. Шўнинг учун Холматбой дарров сездикки, ўша гағни айтганлар, энди кампирини ишга солган. Чўки унчалик саводхон бўлмаса-да, ўлғудек тақводор бой бу масалада хотиннинг розилигисиз биттадиган ишни шарият ёқламаслигини яхши билди. Бой чўйдан ҳўллади, кейин деди: — Кампир, бу сенинг фикринг эмас. — Менинг фикрим. — Ундай бўлса, сенга аввалти бор не деб эдим. — Бўлмайди, кампир, деб эдингиз. — Сенга гап ўргатганларчами? — Уларга ҳам. Кампир тилидан илиниб қолди. — Энди ўзимнинг гапимга ўзим эғалик қила олмай, мункир кетиб ўтириш менга опми? Бой жерибмасдан секингина гапирса-да, бойбича жим қолди, чўки эътирозга ўрин қолмаган эди. Холматбойнинг бир сўзлик, ётган томонидан турмайдиغان феъли борлиги унга яхши аён эди. Касал халқи тўзалиб кетаман, деб умид қилгандек Холматбой ҳам Оллоҳдан менга ҳам бир фарзанд берар, деб ноумид бўлмас эди. Қирқ йил кутди. Мана шўни бугун худо берди. Энди Холматбойнинг ҳам ўғли бор. Бойнинг дийдасидан иссиқ бир нима кўйдириб, қалқиб чиқди, қўзларидан дув-дув ёш қўйилди. Айланайин яраттандан, деди. Тувгон бўлмаса-да, тувганимдан қўрайин. Менам одам бўлиб, бир бола етаклаб юрайин, менам бир мириқиб бола суййин, ота деса ҳам дейин, одамлар ҳам бу бола фалончининг ули десин, фалончи тўй қилаётганимиз, жўринлар Холматбойниқига десин. Бойнинг юзидан дув-дув тўқилаётган кўз ёши оққан сари бағрини эзиб ётган ўша зил-замбил тош эриб кичрайиб, ёнгилаша бораётгандек бўларди. Бой ҳамон ўн чикрамасдан соқоллари секин титраб йиллар эди. — Вой ўлай, сизга не бўлди, отаси. Бой чўчиб тушди. Не дейди бу, отаси дийдима?! У кампирига хайрон қараб турган, энди баттароқ, худди ёш боладак ўқраб йиллаб юборди. «Отаси» деган қирқ йилдан бўён кутган биргина шў сўз бағрида бўғилиб ётган дардининг пўхак тикичини баралла очиб юборгандек. Бойга қўшилиб бойбича ҳам кўз ёшларини тия олмайди. Холматбой секин ўрнидан турди, юз-кўзини артиш учун каловлини белбоғини еча бошлаган эди, ерга тап этиб тушган бўм-бўш «беда на халта» сактиён гуддор ҳамёни на бой, на бойбича сез-

мади. Эртасига Роҳат бойбичаниқиде момо ошига йиғилган қишлоқ аёллари Ойтош қўшнор арвоҳларига атаб ёққан чўроққа қўларини тўтиб, юзларига обдон суриб, товуқ сўйиб, хамир қилиб, қайнатиб пиширилган махсус овқат момошанга тўйиб олишган, Абдулгани Роҳат кампирининг ёқасидан солиб, эътадидан чиқариб олишди-да, турди-турди, дейишди чувиллашиб. Абдулла Холматбойдан бир қадм нари силжишни хоҳламасди. Қирга чиқса қирга қўйган, тўйга борса тўйга бо-рар, фақат кечалари тутинган онаси Роҳатойнинг иссиққина на бағрида ётар, онасининг орқасини қашлаши, узун қиш кечалари айтган маталларига қулқ тўтиб тунарли бедор ўтказишга тайёр, онаси буюрган майдан-чўйда юмушларни жон қўлоғи билан тинглаб бажарарди. Бу воқеадан кейин бир йил ўтиб, яна савр ёғирилари дала-даштни кўм-кўк майса, лола қизгалдоқларга ўраган бир паллада Оқтепада дув-дув гап тарқалди. Нима эммиш, Роҳат бойбича тўққан эмиш, тўққанда ҳам ўғил туғибди. Вой тавбаданган кетай, шў ёшида-я? Нима бўпти, энди 57 га кирди холос, худд бераман деса эрта-кечи бораканми? Ишқилиб умри билан берган бўлсин-да. Бўям бўлса Холматбойнинг бахти-да, деган гап бўларди тўрт одам йиғилган жойда. Холматбой мадраса таълимини ололмаган бўлса ҳам масжидга қатнаб савод чиқарган, мулла табиати ҳам йўқ эмасди. 64 га кириб толган ўғлининг қўлоғига ўзи азон айтиб, Худо муродимни ҳосил қилди, отинг Мурод бўлсин деди, ёлқасидеги ёнғоқдек холни инобатла олиб Холму-род деб ном қўйди. Чақалоқнинг қилласи чиқар-чиқмас ҳўжиз сўйиб аққа қилдириди. Яна оқтепаликлар Холматбойнинг ҳовлисига йилғиди, ош тортилган, ҳовуз бўйидаги сулгага хизматкорлардан бири ҳўжининг атайлаб чопилмасдан ошга босилган илигини лаганга солиб бойнинг олдига келтириб қўйган, унинг бир унчидан ўзи тўтиб, бир учини асранди ўғли Абдуллага тўтқазиб, алга юзланди. — Эй, оғайин, шў болани мен қўлигиде сотиб оловдим, қулим эмас, улим дедим. Шў ишимиз худойимга ёқдим, ишқилиб менга ҳам қартайганимда ош ул берди. Энди қўринг, бу бола Абдулла (Абд ул оллох, худонинг қули ҳам) Абдуллабой бўлсин, биз ҳаммамиз худонинг қулимиз, бу бола ҳам бизга эмас, худого қул бўлсин. Шў тўрт кунлик ёлғончи дунёда сиз-биз каби овоз бўлиб юрсин, бир овмин беринг. Эл гузуллаб овмин деб, бойни алқашди, уйларига етгунча, уйларига етгандан кейин ҳам бири олиб бири қўйиб Холматбойни таъриф қилишди. Уша хангома 170 йил ошиб бизгача етиб келди. Холматбой Абдуллага атаб мулкининг бир чеккаси Оқте-пасойининг ўнг ирмоғи Эсанаксийнинг сўлим бўйида бир қўрғон бон қилди ва уни уйлантириб, ўша ерга қўйиб берди. Кўп ўтмай, Абдулла икки ўғилли бўлди. Бирининг номи Нор, кичигининг номини эса Чиниқул деб атади. Норқулдан Мулла Отақул, Мулла Отақулдан Солиқ, Мақ-суда деган қизлар бўлди, ўғил қолмади. Чиниқулдан Мардикул, Мардикулдан Рўзикул деган ўғиллар қолди. Рўзикулнинг Раҳмат, Холму-мин, Худойберди каби ўғиллари ҳозир замондошларимиз. Бир уйлик Қулқишлоқ ўсгандан ўсиб, юз уйлик бўлди.

Ҳикмат Икки нарса, яъни шижоат ва матонат инсонга ҳар ишда муваффақият бахш этади. Шижоат — ботирлик, мардлик билан ишга киришиш, матонат эса бардошлилик, мустақкам ва қатий иродали, деган сўзидир. Бу хислатларга эга бўлган киши бахт-саодатга эришади. Зангиота тумани 8-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Муратов Абдурашид Саидрасулович номига берилган О'Р-А № 647916 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Республика итисослаштирилган урология маркази Урганч филиалига тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Фарғона вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши жамоаси, тармок вилоят кенгашлари ва Марказий Кенгашларнинг вилоятдаги вакилликлари Бирлашма кенгашининг ижтимоий сўғурта бўлими мудир Маъмураҳон Ярбековвага акиси БАХОДИРОВНИНГ бевақт вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади. Ўзбекистон автомобил, дарв, электр транспорт ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши жамоаси тармок касаба уюшма Марказий Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакилликнинг бош хисобчиси Қалбай Ниетбаева отаси Узақбай НИЕТБАЕВНИНГ вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига реклама ва эълонлар қабул қилинади. Тарифлар бошқа газеталарга нисбатан анча арзон. Тел.: 153-03-90 моб.: 779-19-54

МАУССИС: Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси

БОШ МУХАРРИР Абдухалиқ АБДУРАЗЗОҚОВ Тахрир хайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош мухаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Ақбаров, Ойсулов Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзоқир Юсупов. Бизга қўнғироқ қилинг: Котибият 153-52-78 Бўлимлар Касаба уюшмалари хайъти бўлими: 153-87-63 Ҳўқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73 Ижтимоий-иқтисодий сийёсат бўлими: 153-87-74 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79 Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43 Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90 БИЗНИНГ МАНЗИЛ: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 E-mail: ishonch-doverie@mail.ru Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Навбатчи котиб - А.Алламуродов Навбатчи мухаррир - Д.Мадиев Навбатчи - Ҳ.Жўраева Мусоҳиҳ - Д.Раҳмонова Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй. Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди. Буюртма Г — 514 Тиражи: 16558 1 2 3 4 5 6